IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 24. Issue 01. Oktabr, 2026

ДАРСЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЖОРИЙ ҚИЛИШ ДАСТУРИ

Шамсиева И.Қ.
Илмий раҳбар: НавДУ (PhD) доцент,
в.б. профессори
Пармонова Диёра
2-курс магистри
https://doi.org/10.5281/zenodo.23232380

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда олий ўқув юртларининг жисмоний сифатлари тўғрисида талабалар тушунчасини беришга бағишланган, ҳаракатларни ўқитишнинг замонавий услублари масалалари очиб берилган, унинг маъноси бўйича тасниф кўриб чиқилган; мақолада ўқув жараёни иштирокчилари фаолиятини ташкил этиш ва натижалари учун аҳамияти жисмоний сифатларнинг ўқувчилар танасига таъсири масалалари юзасидан гапирилган.

АННОТАЦИЯ

Это статья посвящена, дать понятия студентам о физических качествах в высших учебных заведениях с использованием инновационных технологий. Раскрыты вопросы современных методов обучения движениям, раскрыта классификация и значение. Рассмотрены вопросы преподавания предмета ТиМФК с использованием педагогических технологий.Проектирование урока включает в себя требования, принципы конструирования, алгоритм, обладает определенными признаками, имеет особое значение для организации и результатов деятельности участников учебного процесса. В статьей рассмотрены вопросы влияния физических качеств на организм студентов.

ANNOTATION

This graduation work is about physical education lessons in high sport school is to teach students about the physical attributes to the introduction of innovative technologies aimed at the development of modern methods of teaching movement, the general classification of the essence, the concept of vision. Physical education theory and methodology of noise that can be used in educational technology in teaching students how to study the concept.Final work of students in the physical qualities of positive effects on the body.

Таянч иборалар: Мусобақа, машқлар меъёри, юклама, сифатлар,умумривожлаштирувчи, циклик, ациклик, амалий, оғзаки, кўрсатмалилик, услублар.

Ключевые слова: Соревнования,норматив упражнений, нагрузка, качество, общеразвивающая, циклическая, ациклическая, практическая, устная, показательная, методы.

Педагогик лойиҳалаш – нафақат, фаолият, балки, фаолиятнинг янги вазифалари, турлари, ахборот ва бошқаларнинг тартибланиш даражаси билан тавсифланадиган ҳолатларнинг изчил алмашинув жараёнидир. Илмий педагогик адабиётларда лойиҳалаш жараёни қуйидаги уч таъминлаш мақсадида лойиҳалаш вазияти чегараларини кенгайтириш), трансформация босқич: дивергенция (ечимни излаш учун етарли даражада кенг майдонни (принциплар ва концепцияларни яратиш), конвергенция (бир талай альтернатив вариантлардан ечимнинг оптимал вариантини танлаш)ни ўтиши тўғрисидаги Дж. К. Джонсоннинг қоидаси мукаммал ҳисобланади.

Умумпедагогик аспектдаги педагогик технология сифатида, уни ўқитишнинг мақсадларига кафолатланган тарзда эришилишини таъминлайдиган ўқув фанининг дидактик тизимини ишлаб чиқиш (асослаш) ва амалга ошириш жараёни ҳисобланади.

Педагогик лойиҳалаш бўйича илмий-педагогик асарларнинг умумлаштирилиши, ўқув ва педагогик тажрибаси, умумий таълим мактабларидаги экспериментал ишнинг боришига оид лойиҳалаш босқичларининг янада муфассалроқ маъносининг айтиб берилиши асосида ўқувчиларга қаратилган самарали педагогик таъсирларни топишнинг зарурияти тўғрисида хулоса чиқаришга имкон берди.

Технология цикл мазмунининг а с о с и й ташкил қилувчилари мақсадни кўзлаш, танлаш дастурлаштириш, рағбатлантириш ва мотивациялаш, оператив-фаолиятли, баҳолаш-аналитик компонентлардан иборат. Бу компонентлар жамулжам бўлиб ва ўзаро боғлиқликда бўлгандагина ўқув-тарбиявий жараённинг мазмунини ташкил қилади.

Ушбу компонентлар юқорида номлари кўрсатилган босқичларнинг мазмунига органик равишда қўшиладилар.

Педагогик моделлаштириш–бу мақсад (умумий ғоя)ларни педагогик тизимлар, жараёнлар ёки вазиятлар ва уларга эришишнинг асосий йўлларини ишлаб чиқишдир.

Маълумки, ҳар қандай педагогик фаолият мақсадни белгилашни талаб этади. Мақсад сифатида, уларга мувофиқ равишда кейинроқ, педагогик тизимлар, жараёнлар ёки вазиятлар тузиладиган, ғоя, нуқтаи назар ва ҳаттоки, ишонч ҳам бўлиши мумкин, натижада педагог хаёлан, бирор мақсадга қаратилган ўз идеалини, яъни, ўқувчилар билан муносабатдаги ўз фаолиятининг моделини яратади.Бундай фикрни яратишга устознинг шахсий тажрибаси, унинг ўқувчиларини тушуниши ҳам таъсир қилади. Ушбу модел педагогик жараённи башорат қилишга имкон беради.

Педагог фаолияти ўқитиш методлари ва шакллари орқали таърифланади ва қуйидаги изчилликка эга:

1. Ўқитиш мақсадлари билан танишиш. Мақсадларни танлаш ва ўз (мазмундор ва конкретлашган) мақсадларини таърифлаш.
2. Материал мазмуни билан танишиш. Мазмунни ва уни тақдим қилиш шаклларини танлаш.
3. Материал мазмунини ўқитиш мақсадлари бўйича тақсимлаш.
4. Ўқитиш методларини танлаш.
5. Ўқув вазиятларини шакллантириш.
6. Дарс типини танлаш. Дарс макроструктураси босқичлари билан танишиш.
7. Ўқитиш воситаларини танлаш.
8. Дарс мавзусини таърифлаш.

9. Дарс вақтини босқичлар бўйича тақсимлаш.

10. Дарснинг ҳар бир босқичида, доскада ва ўқувчи дафтарида ёзувларни акс эттириш билан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳаракатларини кўрсатиш.

Шундай қилиб, дарслар тизими ва (ЭС)-эмоционал-иродавий лойиҳалаш технологияси ўқитувчининг мавзу бўйича дарслар тизимини тузиш бўйича фаолиятини формаллаштириш ва минимумгача келтириш имконини беради.Чунки, бу иш дарс самарадорлиги ва дарс сифатини оширишга имкон туғдиради.

Мактаб ўқувчилари учун ўқув лойиҳалаш технологиясининг аҳамияти қуйидагилардан иборат.

- ўқув фаолиятини лойиҳалаштиришнинг амалий хусусияти шунчаки, у ўқувчилар фаолиятининг социал-қадриятли мотивлари кенг спектрини шакллантиришга имконият яратади;

- ўз жисмоний тарбия ва соғломлаштириш фаолияти моҳияти ва зарурлигини англашни, ўз-ўзига баҳо беришни оширади, шахснинг ўз имкониятларини ижодий тарзда намоён қилиши учун шароит яратади;

- лойиҳалаштирилган машғулотларда иштирок қилиш жараёнида ўқитилаётганларнинг социал тажрибаси, шахсиятли, ўқув, коммуникатив ва социал муаммоларни кўриш, ажратиш ва ечиш бўйича уларнинг маҳорати шакллантирилади;

- социал алоқалар кенгаяди, турли одамлар билан ўзаро муносабатда бўлиш маҳорати ривожланади.

Лойиҳалашга оид ўқитиш технологияси, ўқувчи учун келажакда муайян касбидан қатъий назар унга ижодий фаолияти учун зарур бўлган креатив қобилиятларни ва сифатларни ривожлантириш бўйича педагогик шароитларни яратишга ёрдам беради.

Дарс лойиҳаси қоғозда баён қилинганидан сўнг, дарс лойиҳаси сифатининг ўз-ўзини текшириш ўтказилади:

- мақсадлар ва вазифаларнинг танланиши тўғри қилинганми; - топшириқлар ва вазифаларнинг бажарилиши, ўқувчилар жавоблари учун вақт аниқ чамаланганми;

- дарсда чалғитувчи пайтлар йўқми;

- ҳамма имкониятлардан фойдаланилдими;

- кўргазмали, техник таъминлаш ва тарқатма материали етарлими;

- дарс мақсадлари, мазмуни ва методлари ўзаро тўғри боғланганми.

Бугунги кунда компьютернинг борлигида фанни ўрганишнинг мақсадлари ва вазифалари, ўқитиш методлари, усуллари ва воситалари, ўқув материалини тизимлаштириш ҳамда мактабда мавзулар, муаммолар, ўқув фанлари, ўқиш йиллари бўйича муаммоли болалар билан ишлашнинг хусусиятларига оид кўргазмалилик, иллюстрациялар, адабиётлар, методик қўлланмалар мавжудлигида бундай масалалар бўйича маълумотлар банкини яратиш осондир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. М. “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш. М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларни таъминлаш юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови” – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш. М. “Эркин ва фаровон демократ ик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” – Т.: Ўзбекистон, 2017
4. Болотов В.А., Исаев Е.И., Слободчиков В.И., Шайденко Н.А. Проектирование профессионального педагогического образования // Педагогика. 1997. - № 4. С.68-72.
5. Большой толковый социологический словарь (Соллинс). Том 1 (А - О) / Д. Джери, Дж. Джери: Пер. с англ. – М.: Вече, АСТ, 2001. – 544 с.
6. Борисова Н.В. Образовательные технологии как объект педагогического выбора. Учеб.пособие. - М., 2000. – 162с.
7. Ботиров Х.А. Жисмоний тарбия ва спорт тарихи / Ўкувкўлланма. – Тошкент: Ибн Сино, 1993. – 112б.
8. «Виды спорта дошкольного и начального образования» Рабочая программа (Сост. Шамсиева И.К.). - Навои, Навоийский государственный педагогический институт, 2014- 2015г. – 30с.